2003 YIL 10 IYUN, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№74 (6.599). Sotuvda erkin narxda

# БАҲСЛАР, МЕДАЛЛАР ВА ДЎСТОНА МУЛОҚОТЛАР









*Махсус мухбиримиз Қобилжон АСҚАРОВ Андижондан хабар қилади.*

***Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика финал босқичи қизғин паллага кирди. Беллашувларда иштирок этаётган 2786 нафар ўқувчи спортчи 718 та медал соҳиби бўлиш учун муросасиз баҳсларда ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Ўтган беш кун ичида спортнинг бир қатор турлари бўйича совриндорлар маълум бўлди.***

Чунончи, Хонобод шаҳрида ўзбек кураши мусобақалари якунига етди. Бу ерда бўлиб ўтган беллашувлар шу қадар ҳис-ҳаяжонга бой бўлдики, 2000 ўринли томошагоҳ кураш ишқибозларини сиғдира олмади. Беллашувлар чоғида ўзбек курашининг дарғалари бўлмиш икки карра жаҳон чемпионлари, Президент мукофоти совриндорлари Баҳром Авазов ҳамда Исоқ Аҳмедовларнинг ҳозир бўлиши финал босқичи қатнашчиларини янада руҳлантириб юборди.

Вазн тоифалари бўйича самарқандлик Озод Пардаев, Лочин Тошматов, Шерқул Бобоқулов, қашқадарёлик Бахтиёр Умаров, Шуҳрат Назаров, бухоролик Рамзиддин Саидов, Нурмурод Арслонов, пойтахтлик Ботир Норқобиловлар олтин медал соҳиблари бўлишди. Жаҳонга донғи кетган ўзбек полвонлари даврасида юксак поғоналарни забт этган болаларнинг завқи шавқи тамомила ўзгача эди. Ҳа, ўзбек спортининг бу кенжатойлари ҳадемай ёруғ юлдузга айланадилар.

Хонободда оғир атлетика бўйича беллашувлар ҳам қизғин кечмоқда. Бу ердаги баҳсда Андижон вилояти жамоасининг аъзоси Мансур Мамажонов умидли полвон эканлигини кўрсата олди. У 80 килограммлик тошни даст кўтаришда, 97 килограммлик штангани силтаб кўтаришда ягона пешқадам бўлди. Ҳакамлар уни бу натижа билан олтин медалга лойиқ кўришди. Унинг жамоадоши Маҳаммаджон Мамасиддиқов эса 56 килограммлик атлетлар вазнида иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлди.

Бадиий гимнастика баҳсларида асосий кураш Тошкент шаҳри вакили Татьяна Оркина билан навоийлик Юлия Стрелкина ўртасида бормоқда. Татьяна 35,245 балл тўплаган бўлса, Юлияда бу кўрсаткич 34,95 баллни ташкил этди. Умумжамоа ҳисобида пойтахт вакиллари пешқадамлик сари интилмоқда. Бухоро ва навоийлик гимнастикачилар иккинчи, учинчи ўринда боришаётир.

Енгил атлетика баҳслари ҳам жуда муросасиз ўтмоқда. Бу тур ғолиблар учун 120 та медал ажратилган. Мукофотларни қўлга киритишда Фарғона, Андижон ва пойтахт спортчилари ўртасида интилиш кучли.

Стол тенниси мусобақаларида кураш асосан андижонлик ва тошкентлик ўсмирлар ўртасида бораётир. Жумладан, андижонлик А.Ҳошимов биринчи ўрин учун ҳаракат қилаётган бўлса, Тошкент вилояти вакили Ю.Маркеевич пешқадамликка етиб олиш учун интилмоқда. Қизлар ўртасида тошкентлик Л.Ким олий мукофотга даъвогарлик қилаётир.

Ушбу хабарни тайёрлаётган чоғимизда Хонободдан яна бир хушхабар олдик. Мезбонлар жамоаси аъзоси Азизжон Аҳмадалиев 62 килограмм вазндаги атлетлар беллашувида биринчи ўринни эгаллабди. Бухоролик Саиджон Мўйдинов иккинчи, хоразмлик Саломат Дўстназаров учинчи ўрин эгалари бўлишди.

Шоҳмотчилар баҳсида тўрт турдан сўнг Тошкент вилояти жамоаси 4 очко билан пешқадамлар сафини бошқариб бормоқда. Самарқандликлар ҳисобида 3 очко бўлса, Қашқадарё, Жиззах, Қорақалпоғистон ва Андижон вилоятлари жамоаларида эса очколар сони 2,5 тадан.

Кеча баскетбол, волейбол, қўл тўпи спорт турлари бўйича болалар ва қизлар жамоалари ўртасида чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди. Спорт мусобақаларининг якуний тақдирлаш маросимига ҳам ҳозирлик кўриш бошланди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинлари дастури ранг-баранг эканлиги ҳам эътиборлидир. Олимпия захиралари спорт коллежида ҳунармандлар кўргазмаси очилди. Вилоят рассомлари томонидан спорт мавзусига бағишланган асарлар ҳам спортчилар ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотаётир.

# БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

***Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***

Мажлисда 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-каналини спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёнининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шохобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган. Кийимлар дизайнининг жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида режалар белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва махсус сиртқи бўлимларига болалар спорти учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда жойлардан билдирилган таклифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улуғвор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиятчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдида турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидаги жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалкашликка йўл қўйилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғарманинг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги уқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдида турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойилик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётир.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув юртларида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджети жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шарти билан тасдиқланди.

Ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июль муддати билан тўпланган валюта ҳажмини ҳомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилиши қайд этилди.

Жамғарманинг 2004 йилга мўлжалланган бюджетидаги миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва молия вазири М.Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябргача таклиф киритилиши белгилаб қўйилди. Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазири М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздаврархитектқурилиш» қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиши мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ таклифларни уч ҳафталик муддатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига болалар спорти учун пухта замин яратиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан мунтазам равишда шуғулланаётган 6-17 ёшдаги болалар сони ҳақидаги аниқ таҳлилга асосланган тўлиқ маълумотни икки ҳафта муддат ичида тақдим этиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спорт турларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

(Давоми 2-бетда)

# ТРИПС – ҒЎЗА КУШАНДАСИ

## ОГОҲ БЎЛИНГ!

***Трипс энг хавфли зараркунандалардан бири ҳисобланади. Шу кеча-кундузда Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида зараркунанданинг тарқалиш кўлами бошқа ҳудудларга нисбатан бир оз юқори.***

Об-ҳавонинг салқин ва серёғин келиши зараркунандаларнинг кўпроқ майдонларга тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Ғўзани зарарлайдиган трипс - тамаки трипси, деб ҳам номланади. Бу зараркунанда республикамиз иқлим шароитида 7-8 авлод бериб кўпаяди. Трипс - очофат зараркунанда бўлиб, ғўзадан ташқари тамаки, сабзавот экинлари, тут дарахти, бошоқли дон экинлари ва бир қанча турдаги бегона ўтлар билан озиқланиб, уларга зарар етказади.

Вояга етган ҳашаротнинг катталиги 1 мм. атрофида бўлиб, сарғиш – сомон тусдадир. Трипс – вояга етган ҳолда тупроқнинг устки қатламида, ўсимликлар қолдиғи тагида қишлаб қолади.

Зараркунанда эрта баҳорда - март ойининг биринчи ўн кунлигида қишловдан чиқиб, бегона ўтлар ва ғалла экинлари билан озиқланади. Май ойида эса ғўза майдонларига кўчиб ўтади.

1 та урғочи трипс 100 тагача тухум қўяди.

Трипс ғўзаларга туша бошлаганда, унга қарши фойдали ҳашаротлардан - олтинкўзни гектарига 300 донадан қўйиш яхши натижалар беради. Трипс кўпайган пайкалларга "Каратэ" ва "Кинникс" кимёвий воситалари билан ишлов бериш лозим.

**Ботир СУЛАЙМОНОВ, Республика башорат ва биоусул лабораторияси директори.**

# БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ ҚАНДАЙ ЎТИШИ КЕРАК?

## ТАКЛИФ

***Биз болажон халқмиз.***

***Ўзимиз емасак ҳам боламизга берамиз. Бирор жойда, дастурхон устида тансиқроқ нарса учраса боламизга илинамиз.***

Агар боламизнинг бирор жойи оғриб, "иҳ" деса борми, жони-жонимиз ўртаниб, жонимизни беришга-да тайёр турамиз.

Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асарини эсланг. Бобур оғир хасталикда ётган ўғли Хумоюнмирзо қошида безовта ўтираркан, фарзандининг қийналишларига дош беролмайди ва Оллоҳдан ўғлининг ўрнига ўзининг жонини олишини илтижо қилади. Чин дилдан қилган нидоси мустажоб бўлиб, Хумоюнмирзо тузалади-да, орадан кўп ўтмай Бобурнинг ўзи хасталикка чалиниб вафот этади.

Бу тафсилот ёзувчи тўқимаси эмас. Бу - ҳаёт манзараси. Миллатимизга, ўзимиз, ўзлигимизга хос ҳодиса.

Болаларга эътибор, болажонларимиз ҳақида ғамхўрлик Истиқлол йиллари давлат миқёси даражасига етди. Бутун бир йил "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилингани ёдингиздадир? Ёки муҳтарам Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган машҳур ибораларини эслайлик. Юртбошимизнинг ўтган йил охирларида эълон қилинган "Болалар спортини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонини ва ҳукуматимизнинг бу муҳим масала юзасидан чиқарган қарорини кўз олдимизга келтирайлик.

Буларнинг ҳаммаси болаларимизнинг соғ-омон улғайиши, ҳар томонлама камол топиб, мустақил юртимизга, она-Ватанимизга муносиб йигит-қизлар бўлиб вояга етиши учун амалга оширилаётган ишлар.

(Давоми 4-бетда)

## ИСЛОҲОТ

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ АСОСИ

***Ўзбекистон илгари аграр республика сифатида, биринчи навбатда, пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчи базага айланиб қолган эди.***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмининг ниҳоятда пастлиги қишлоқ аҳолиси турмуш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Истиқлолга эришгач, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарурати туғилди. Президентимиз томонидан асослаб берилган стратегия асосида аграр сиёсатни қайта кўриб чиқиш ҳамда мамлакат иқтисодий салоҳияти даражасидан келиб чиқилган ҳолда унинг тамойил ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинди.

(Давоми 3-бетда)

# РАИСНИНГ КУРСИСИ НЕГА ОМОНАТ?

## МУАММО

***Бу иллат кўпчилик яхши мутахассис ва раҳбарларнинг ҳафсаласини пир қилаётир. Оқибатда ишлаб чиқаришга, энг муҳими, давлатга катта зиён етказиляпти. Хўш, бу оғриқли нуқтани даволаш мумкинми?***

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб беришганди.

-Мен бир неча йил Мейли Раҳмонов номли ширкат хўжалигига раислик қилдим, - дейди туман ҳокимининг биринчи муовини Дўстмамат Қўчқоров. – Ҳайрон қоласан киши. Хўжаликка номи берилган ўша мўътабар инсон узлуксиз ўттиз йил давомида шу хўжаликда раҳбарлик жиловини маҳкам ушлаб турди. Ишдан бўшаган куннинг эртасига эса... эшак миниб, олис йўл тортиб янги раис Эрниёзовнинг ҳузурига борган:

-Менга бир қоп буғдой беринг, рўзғорим сал қийналиб турибди.

Тавба, шунча йил раислик курсисини эгаллаб, наҳотки уч-тўрт қоп буғдойини ғамлаб ололмаган бўлса, дея ажабланасан киши. Демак, хулоса шуки, Мейли Раҳмонов шунча йил раҳбарлик қилиб халқ мулкига кўз олайтирмаган, хокисор, ҳалол ишлаган.

Сурхондарёнинг Қизириқ туманида шу мавзуга доир яна бир гурунг устидан чиқдим.

-Ҳаким Эшонов номли хўжаликка атиги 9 ой раис бўлдим, - дейди туман ҳокими муовини Эркин Арабов. – Мендан бу ишни қабул қилиб олган Баҳодир Умиров бўлса зўрға 5-6 ой чидаб берди, раисликни Одина Мисировга топшириб кетди, - деди ҳамроҳим-журналист Чори Алимовга "Мана, муаммо қаерда ётибди", дегандек маъноли қараб.

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги раҳбари Эргаш Саидов бўлса бир йилга борар-бормас раислик мансабини янгисига топширишга мажбур бўлди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# "АДАШГАН" ТОЛА

***Нафс бор нарса. Лекин унинг ўпқонга айланиши ёмон. Нафси ҳакалак отган айрим кимсалар пул топиш йўлида ўзларини ўтгаям, чўққаям урадилар. Оқибатда, жиноят йўлига кириб бораётганини билмай қоладилар. Ёки билса ҳам гардкамига ўйнаб, таваккал қилади. Охири қилмиши ошкор бўлиб, эл-юрт олдида шармандаю шармисор бўлади.***

Ховос темир йўл станциясининг техник идораси бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Назокат Мавлонова (фамилиялар ўзгартирилган) жиззахлик "учар" шоввозлар Бўрибой Тойлоқов, Абдулатиф Умбаровлар билан биргаликда пул ишлашнинг "ажойиб" йўлини ўйлаб топишди.

(Давоми 2-бетда)

# 1001 ОЙ ҲИКМАТИ

## ФАХР

***Шарқ адабиётида бадиий наср нисбатан ёш жанр. Адибларимиз Ғарб насрини пухта ўрганиб қисса ва романлар ёзишгани, ёзишаётгани, турли йўсинда экспериментлар қилишаётгани, албатта бунда ўзимизга, турмуш тарзимизга хос воқеа ва ҳодисаларни акс эттиришаётгани сир эмас.***

Саид Аҳмад аканинг ўзига хос томони шундаки, у ҳаёт денгизига ғаввосдай шўнғиб, тилимиз дурдоналарини, қадриятларимиз, удумларимиз, турмуш тарзимиз, қалб кечинмаларимиз, ўзлигимизга хос фазилат ва иллатларимизни илғаб олиб, уларга заргарона сайқал беради. Унинг сабоғи ҳам, шиори ҳам битта:

-Ёзган нарсангга ҳикоя, ҳажвия ё бошқа бир жанр деб ном бериш шарт эмас. Ўқувчи севиб ўқидими, маза қилдими, демак у яхши асар.

Табиийки, рассомлик ҳаваси, сураткашлик иштиёқи билан тўла йигитнинг буюк адиб даражасигача ўтган умр ва ижод йўли изланиш ва заҳматлар, меҳнат ва омадсизликлар, устозларнинг танбеҳ ва эътирофлари, унинг асарлари руҳини билиб-билмай "калтаклай"диган танқидчиларнинг "сийлов"лари билан тўла. Лекин "зар қадрига заргар етар" дегандай, унинг иқтидорини Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби XX аср ўзбек адабиётининг мумтоз сиймолари қаттиққўллик билан, айни пайтда авайлаб вояга етказганлар. Бу ҳақда улар тўғрисида миннатдорлик туйғулари тўла хотиралар сўзлаб турибди.

(Давоми 4-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

КЕЛГУСИ СОНДА:

«ЎЛИК ДЕНГИЗНИНГ ҚОТИЛИ МЕНМАН»

ҚУШ УЯСИДАГИ МУҲИТ

ДОКА РЎМОЛ

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ АСОСИ

(Боши 1-бетда)

Бу ўринда Ўзбекистон пахта етиштирувчи мамлакатлар ичида уни ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича бешинчи ўринни, пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаши, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи тармоқ эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг аввало аграр секторда бошланишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки мамлакат аҳолисининг 63 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, иш билан банд аҳолининг 44 фоизи бевосита қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бири, валюта тушумининг 55 фоизи ушбу сектор улушига тўғри келади.

Хўш, қишлоқ хўжалиги тармоғи улуши билан мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириб бориш ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд? Дунё бўйича жами ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 32 фоизи саноат ва 64 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг улуши борйўғи 2,0 фоизга тенг бўлган бир пайтда, паст даромадли мамлакатларда бу кўрсаткич 27 фоизга тенг эканлиги мамлакатимизда аграр саноат мажмуасига кирувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатни ўзгартиришга қаратилган иқтисодий сиёсат юритишни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва чекланган валюта ресурсларини иқтисод қилиш мақсадида аграр сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида танлаб олинган тармоқлараро таркибий ўзгартириш сиёсати натижасида қисқа муддатда ғалла мустақиллигига эришилди. Ана шу муддатда озиқ-овқат мақсадлари учун четдан 3,0 миллион тонна буғдой сотиб олишга чек қўйилди. Бу ўз навбатида бир йил мобайнида 450 миллион АҚШ доллари миқдордаги валюта маблағларини иқтисод қилишга имконият яратди.

Пахтачиликдан ажратиб олинган майдонлар асосий қисмининг ғалла билан банд қилинганлиги ғалла мустақиллигини амалда таъминлашга хизмат қилган бўлса-да, кейинги йилларда пахта билан банд бўлган паст ҳосилли ерлар салмоғининг кўпайганлиги мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган аграр сиёсатни қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Чунки асосий экспорт салоҳиятимизни белгилаб берувчи пахтачиликда банд бўлган майдонлардан олинаётган ҳосилдорлик бу борада жуда кўплаб ишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий стратегик маҳсулоти бўлган пахта толаси сотиб олиш прейскуранти баҳолари ва тармоққа етказиб берилаётган моддий ресурслар баҳоларининг ҳозирги даражасида пахтачилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун фойдали соҳага айланиши учун гектаридан 30,0 центнердан кам ҳосил олинмаслиги лозим. Бугунги кунда пахтачиликда банд бўлган экин майдонлари 30 центнергача ҳосил бераётган майдонларнинг салмоғи 60 фоиздан юқори эканлиги экинларни жойлаштириш масалаларида хўжаликлар эркинлигини оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"-ги Фармонига асосан "қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил жойлаштириши" талабини амалий бажаришига эришиш пахтачиликни фойдали соҳага айлантиришга олиб келиши шубҳасиздир.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчидан, пахта толасини экспорт қилишни қисқартириб бориш орқали уни қайта ишлаш салмоғини ошириш ва тайёр маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш; иккинчидан, мамлакатнинг жойлашув ўрни ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириб бориш орқали ташқи бозордаги мавқени ошириш.

Ўзбекистон бир йилда 10 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлиб, бугунги кунда 1700 минг тонна боғдорчилик ва узумчилик ҳамда 5 миллион тонна атрофида сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда валюта тушумларини таъминловчи экспорт таркибида озиқ-овқат товарлари салмоғи 1,8 фоиз даражада сақланаётганлиги бу борадаги имкониятлардан етарли фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган аграр сиёсатни такомиллаштиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги тармоқлари мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун том маънода асос яратади.

**Шуҳрат МАРУПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# ТАДБИРКОР ТАЯНЧИ

***Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш ва бошқа масалалар шундай молия муассасалари жамоаларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.***

Зотан, банкдан ўз вақтида кредит олиш имконияти бозор иқтисоди шароитида кичик ва ўрта бизнесда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шу маънода банклар тадбиркорларнинг таянчидир.



"Ғаллабанк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий бўлими деҳқон ва фермер хўжаликларига, хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта корхоналар, қўшма корхоналар ва бошқа мижозларга самарали хизмат кўрсатиб келаётир. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003 йил 1 майгача берилган кредитлар 6 миллиард 130 миллион сўмни ташкил қилди. Айни пайтда ушбу банк 628 деҳқон ва фермер хўжалигига, 600 хусусий тадбиркор, 300 кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатмоқда. Банк жамоаси кичик ва ўрта бўғин тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларга асосланган ҳолда фаолият олиб бораётир. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга банк хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш жараёнини такомиллаштириш йўлида олиб борилган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бераётир.

**БАНК**

Мазкур молия муассасаси томонидан 2003 йилнинг тўрт ойи давомида 1 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ кредит берилди. Улар деҳқон ва фермер хўжаликларига, саноат корхоналарига, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда таълим соҳаларига ажратилди. Тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат, уларга яратилаётган имкониятлар бир неча бараварга ошди. Буни минтақавий филиал томонидан кейинги тўрт ойда қарийб 131 миллион сўм айнан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилганида ҳам кўриш мумкин. Банкнинг ўз маблағи ҳисобилан ажратилган кредитлар деярли 72 миллион сўмни, бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан берилгани эса 59 миллион сўмни ташкил этди.

Филиал томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган қарзларнинг асосий қисми ўрта муддатли кредитлардир. Бу имконият тадбиркорларга ўз ишларини кўнгилдагидек йўлга солиб олиш учун қулай шароит яратиб беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кредитлар ва уларнинг фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда.

Албатта, кредит бериш – масаланинг бир жиҳати. Қарздан оқилона фойдаланиш эса якуний натижага эришишнинг шартидир. Айни шу масалада филиалнинг кредит-режа бўлими ходимлари фаол иш олиб боришаётир. Улар берилган кредитларнинг қай мақсадларда ва қай тарзда ишлатилаётганлигини изчил назорат қилиб боришаётир.

Жамоа олдида турган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли ижро этиш биринчи навбатда кадрларнинг малакасига боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда бир қатор ходимлар турли миқёсларда ўтказилган семинарларда малака ошириб қайтишди.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**

**СУРАТДА: "Ғаллабанк" Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошқарувчиси Сапарбой Бекеев (ўртада) касбдошлари Маҳмуд Халекеев, Темирбой Хожановлар билан ўзаро мулоқотда.**
**Муаллиф олган сурат.**


Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 9 октябрда якка тадбиркор Камолов Нажмиддин номига берилган № 0522665 рақамли савдо қилиш ҳуқуқини берувчи патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер № 05-02/3424 от 28.01.93 г. права собственности Ахмедовой Копии на квартиру, считать недействительным.

**ХИТОЙ ТЕГИРМОНЛАРИ ВА ЖУВОЗЛАРИ СОТИЛАДИ**

Хитойда ишлаб чиқарилган ун, гуруч тегирмонлари, зиғир, масхар, писта, кунжут жувозлари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари сотилади. Манзил: Тошкент, Юнусобод-18, 37-уй, 26-хонадон. Тел.: 8 (371) 182-49-22; 8 (3712) 22-24-74.



**ГАЗ ПАЙВАНДЛОВЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

**"Иккиламчи қора металлар" бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги корхоналарига газ электропайвандчи мутахассислигига эга бўлган газ билан кесувчи ишчилар қабул қилинади.**

*Ўртача ойлик маош 100.000 сўм ва ундан ортиқ.*

**Манзилларимиз:**

**"Самарқанд Иккиқорамет"** – *тел.: 8-366-2-229009; 229402; сот-382038; 1899709*
**"Андижон Иккиқорамет"** – *тел.: 8-374-2-243917; 246801; 463256; сот – 374-2-292542, 240693*
**"Бухара Иккиқорамет"** – *тел.: 8-365-2256009; 55658; сот – 365-7181260*
**"Қарши Иккиқорамет" Қарши шаҳри** – *тел.: 8-375-22-22250; 24549; сот – 23295*
**"Жиззах Иккиқорамет"** – *тел.: 8-372-22-70135; 42802; сот – 1899729; 1087705; 1825982*
**"Наманган Иккиқорамет"** – *тел.: 8-369-22-63913; 36680*
**"Навои Иккиқорамет"** – *тел.: 8-436-22-30141; сот – 25279; 2225415*
**"Қўқанд Иккиқорамет"** – *тел.: 8-373-55-23289; сот – 70057*
**"Сурхондарё Иккиқорамет" Термиз шаҳри** – *тел.: 8-376-22-24138; 24139; сот – 29261*
**МЧП "Чусттемиртерсак"** *тел.: 8-369-42-31955; 35803*
**"Ховос Иккиқорамет" МЧЖ Ховос** – *тел.: сот – 8-367-22; 41339; 8-367-37-25147*
**"Қорақалпоқ Иккиқорамет" Нукус шаҳри** – *тел.: 8-361-21-53525*

**Тошкент шаҳридаги манзилимиз: Сергели, Саноат даҳаси;**
**Тел.: 8-3712-587594, 585709**

**Ишга кирмоқчи бўлганлар "Иккиламчи қора металлар" (Вторчермет) корхоналари бошлиқларига учрашишларини сўраймиз.**


# ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР БИЛИМДОНИ

***Республикамизда доривор ўсимликлар деҳқончилиги илмий асосларини яратиш, уларни кўпайтириш, ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ҳақида гап борса, бу соҳага катта ҳисса қўшиб келаётган биология фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Маъмуржон Оллоёровнинг номи ҳурмат-эътибор билан тилга олинади.***

Бу бежиз эмас, албатта. У тажрибали мутахассислиги, тадбиркор ва ташкилотчи раҳбарлиги билан ҳам кўпчиликка танилган.



М.Оллоёров катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1965 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети табиат-география факультети кимё-биология ва қишлоқ хўжалиги асослари бўлимини муваффақиятли тугатиб, шу илм даргоҳининг Ботаника кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. Кейинчалик доривор ўсимликлар илмий асосларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника илмий текшириш институтида академик Қодир Зокиров раҳбарлигида илмий иш билан шуғулланди.

Сўнгра ўзининг малакасини янада ошириш мақсадида Ленинграддаги Ботаника институти аспирантурасига ўқишга кирди ва ўз соҳасининг машҳур олими Павел Данилович Соколовга шогирд бўлди. Аспирантурани муваффақиятли тамомлагандан сўнг, Тошкент Давлат педагогика университетида ёшларга таълим берди.

**ИБРАТ**

Илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш ниятида Республика Фанлар академияси Ботаника институтида торондошлар оиласига мансуб ровоч туркумига кирувчи доривор ўсимликлар турлари биологияси, тарқалиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганиб, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади.

1977 йили Давлат ўрмон қўмитаси қошида доривор ўсимликлар бошқармаси ташкил этилиб, М.Оллоёров етук мутахассис сифатида унга раҳбарлик қилиш учун таклиф қилинди. Республикамиз мустақилликка эришгач, у мазкур бошқарма замирида "Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Қўмита раҳбарияти ташаббусни қўллаб-қувватлаб, республика ҳукуматига мурожаат қилди. 1991 йилнинг декабрида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра "Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. М.Оллоёровнинг саъй-ҳаракати билан доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш учун саккизта ихтисослашган ўрмон хўжаликлари ташкил қилинди. Бундан асосий мақсад табиатга қирон келтирмаслик, доривор ўсимликларни экиб ўстириб, истеъмолчиларни мунтазам равишда маҳсулот билан таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда "Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиёда энг йирик доривор, зиравор ва ошловчи моддалар ишлаб чиқарадиган корхонага айланди. Бирлашма хўжаликлари ҳар йили 300 тоннадан зиёд шифобахш ўсимликлар хом ашёсини етиштириб бермоқда. Жумладан, йилига 100 тонна наъматак, 25 тонна ширинмия илдизи, 20-25 тонна қалампирялпиз, 10-15 тоннадан дала чой, тоғрайҳон ва бошқа 30 турдан зиёд доривор ўсимликлар бирламчи қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда республикамизнинг дорихоналари, шифохоналари, санаторийлари ва бошқа муассасаларига етказиб берилмоқда. Республика ҳудудида илгари экиб ўстирилмаган полпола, мойчечак, дастарбош, арслонқуйруқ, доривор итузум, қалампирялпиз ва бошқа бир қанча ўсимликларни етиштириш йўлга қўйилди.

"Шифобахш" ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий мақсади – табиатдан доривор ўсимликларни йиғишни камайтириб, экиб кўпайтиришни 80-90 фоизга етказишдир. М.Оллоёров доривор ўсимликлар деҳқончилигини ривожлантириш билан бир қаторда шу соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тошкент Фармацевтика институтида доривор ўсимликлар деҳқончилигининг илмий асослари фанидан талабаларга маърузалар ўқиб, шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлашда фаол қатнашмоқда. У бир қатор китоблар, рисолалар, 40 дан зиёд илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш бўйича методик қўлланмалар, шифобахш алкоголсиз ичимликлар ва шифобахш чойлар технологиясига доир тўртта авторлик гувоҳномасининг муаллифидир. Кўп йиллик самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, республикада доривор ўсимликлар деҳқончилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвонига сазовор бўлди. Умрининг олтмишинчи довонидан ошаётган Маъмуржон Оллоёровга сиҳат-саломатлик ва доривор ўсимликларни кўпайтириш, одамларни баҳраманд этиш соҳасидаги барча ишларига катта муваффақият тилаймиз.

**Озодбек АШУРМЕТОВ,**
**Ботаника илмий маркази бош раҳбари, биология фанлари доктори.**
**Сайфулла НИҒМАТИЙ,**
**Ўзбекистон – Хитой "Саломатлик" қўшма корхонаси бош раҳбари.**


**"Асака" банки "ЎзДЭУавто" компанияси билан биргаликда 2003 йил 1 августгача автомобилларни КРЕДИТГА сотмоқда**

UZ-DAEWOO

Шошилинг!



*Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда*

ASAKA BANK

*Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.*

**Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!**

*"Асака" банкдаги телефонлар:*
*120-81-73; 120-82-23.*
*Тўлиқ маълумотлар олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун "ЎзДЭУавто" компаниясининг ҳудудлардаги расмий дилерларига мурожаат этинг.*


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## АН-64 НИНГ ҲАЛОКАТИ

***Косовода АҚШ халқаро тинчликпарвар кучларига тегишли бўлган АН-64 ҳарбий вертолёти ҳалокатга учради, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.***



Авиаҳалокат оқибатида икки нафар учувчи ҳаётдан кўз юмди. Бондстил ҳарбий базаси вакилларининг шаҳодат беришича, воқеа учувчилар хизмат қилаётган Приштина шаҳри яқинида содир бўлган. Фожиа ҳаракатларини ўрганиш юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилган. Косоводаги АҚШ тинчликпарвар кучларининг таъкидлашларича, ҳалокат террористик хуруж натижаси бўлиши мумкин эмас.

## БОСҚИНЧИЛАР ОТИБ ТАШЛАНДИ

***Ўтган якшанба куни Исроилнинг Ғазо минтақаси билан чегарадош Эрез назорат-текширув маҳкамасида уч нафар фаластинлик жангари бостириб кирган ва ўт очишган.***



Улар Исроил ҳарбийлари томонидан отиб ўлдирилгунларига қадар бир неча кишини ярадор қилишга улгуришган, дея хабар қилади Reuters ахборот маҳкамаси. Фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

## ЭРОН АЙБЛОВНИ РАД ЭТДИ

***Эрон расмийлари бундан ўн икки йил муқаддам унчалик кўп бўлмаган миқдорда, БМТдан яширин тарзда уран сотиб олинганига иқрор бўлишди.***



Уларнинг таъкидлашларича, бу ҳолат ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартнома талабларига зид келмайди, дея хабар қилади Эрон ядро энергетикаси агентлиги раҳбари Ғуломризо Оғозода.

Айни пайтда АҚШ ҳукумати расмий Теҳронни ядро қуроли яратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқаришда айбламоқда. Бироқ, Эрон томони бу айбловни қатъиян рад этди.

## ПОЛЬША ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

***Ўтган ҳафтада ўтказилган умумхалқ референдумида мамлакат фуқароларининг асосий қисми Польшанинг Европа Иттифоқига қўшилишига хайрихоҳлик билдирганлар.***

Референдум натижаларига кўра 81,9 фоиз сайловчилар бу масалага ижобий ёндашишган. Умумхалқ референдумида рўйхатга олинган жами сайловчиларнинг 58,8 фоизи қатнашган.

## ШИА ҲАРБИЙЛАРИГА ХУРУЖ

***Покистоннинг жануби-ғарбидаги Кветта шаҳрида салонида полиция курсантлари бўлган автобус номаълум қуролли жангарилар томонидан ўққа тутилди.***



Натижада уларнинг ўн бир нафари ҳалок бўлди, ўн нафари эса турли даражада жароҳат олишди.

Ҳужум ташкилотчилари ҳозирча аниқлангани йўқ. Ҳалок бўлганларнинг барчаси шиа мазҳаби вакилларидир. Шунга кўра мазкур хуруж фаолияти тақиқланган "Лашкари жангий" суннийлар ташкилоти томонидан уюштирилгани тахмин қилинмоқда.

## БМТ ВАКИЛЛАРИ ГАРОВДА

***"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Грузия раҳбарияти БМТнинг 3 нафар кузатувчи ва бир таржимонни гаровга олган номаълум кимсалар билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирган.***

Мамлакат президенти Эдуард Шеварднадзе БМТ зобитларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар қандай чоралар кўрилишини маълум қилди.

Шунингдек, Э.Шеварднадзе 5 июнь куни Кодор дарасида содир этилган ушбу жиноятдан қаттиқ ғазабда экани, бу ҳаракат грузин-абхаз можароси юзага чиққандан буён тўртинчи бор БМТ вакилларининг ўғирланиши эканини қайд этди. Норасмий манбаларга кўра, жиноятчилар гаровга олинганлар учун 3 миллион доллар талаб қилишмоқда.

## "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ

***Россия Президенти матбуот хизматининг хабар беришича, Владимир Путин Санкт-Петербург ва Москва давлат университетлари қошидаги француз коллежлари бошқаруви вакиллари: Париж университети профессори Жан-Пьер Аллали ва ёзувчи-публицист Марек Хальтерларни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.***

Ҳукумат расмийлари Аллали ва Хальтер Россия ва Франция ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлишганини қайд этдилар.

## ЯНА БИР ҚОТИЛЛИК...

***Чеченистонда "Грознефть" корхонаси бош директори ўринбосари Абдул Арсанукаевни ўлдириб кетишди.***



Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги маъмурларининг фикрича, жиноят Ачко-Мартан тумани Қатир-Юрт қишлоғида содир этилган. Маълумотларга кўра, А.Арсанукаев ўз уйида номаълум босқинчилар томонидан отиб ташланган. Мазкур ҳолат юзасидан прокуратура ходимлари жиноий иш қўзғатишган.

**Интернет хабарлари асосида**
**Рустам ЖАББОРОВ тайёрлади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 10 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 642,17 | 1 Польша злотийси | 260,61 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1615,40 | 1 СДР | 1384,09 |
| 1 Дания кронаси | 153,41 | 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 БАА дирҳами | 264,87 | 1 Швейцария франки | 737,50 |
| 1 АҚШ доллари | 972,84 | 1 ЕВРО | 1138,22 |
| 1 Миср фунти | 162,95 | 10 Жанубий Корея вони | 8,10 |
| 1 Исландия кронаси | 13,33 | 10 Япония иенаси | 82,12 |
| 1 Канада доллари | 716,32 | 1 Россия рубли | 31,83 |
| 1 Хитой юани | 117,54 | 1 Украина гривнаси | 182,42 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,04 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

